


ИШОНСН

Ушбу сонда:

2 «ХУҚУҚИЙ ХИЗМАТ
МАРКАЗИ»ДА БИР КУН

2-3 ДАВЛАТНИНГ
САЛОБАТИ

3 МАҚСАДГА
ЭРИШИШ УЧУН



ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 июн куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида ўтган Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида қатнашди

Осиеда кўплаб минтақавий тузилмалар мавжуд. Аммо уларнинг деярли барчаси жуғрофий ва савдо-иқтисодий омиллардан келиб чиқиб тузилган. Мазкур кенгаш эса китъада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларини ялпи камраб олган. Шу жиҳатдан у муҳим аҳамиятга эга.

Форумда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Россия Президенти Владимир Путин, Хитой Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев, Афғонистон Президенти Хамид Карзай, Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев, Покистон Президенти Первез Мушарраф, Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар. Шунингдек, Таиланддан Бош вазир Таксиан Шинаватра, Исроилдан Бош вазир ўринбосари Шимон Перес, Ҳиндистондан махсус вакил - нефть ва табиий газ вазирлиги Мурли Дера, Эрондан ташқи ишлар вазирлигининг ўринбосари Аббас Эраки, Мўғулистондан парламент Спикери Мэндсайхан Энхсайхан, Фаластиндан Фаластин Озодлик ҳаракати Ижроия қўмитаси аъзоси Саъд Аҳмад Ауда, Туркиядан Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазирлиги Абдуллох Гул ва бошқа қатор мамлакатлардан махсус вакиллари иштирок этди.

Саммит аввалида кенгашга Корея Республикаси қўшилгани ва эндиликда унинг аъзолари сони ўн саккизга етгани маълум қилинди.

Кенгашнинг 2002 йил 4 июнда бўлиб ўтган илк саммитида қабул қилинган якуний ҳужжатда қайд этилганидек, Осиеда тинчлик ва

хавфсизликни таъминлаш учун кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мазкур тузилма фаолиятининг асосий мақсадидир. Бунда низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш назарда тутилди.

Кенгаш оммавий қирғин қуроли бутунлай йўқ қилинишини ёқлади. Айниқса, ядровий қуролсизланиш устувор масала саналади. Тузилма ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларидан холи зона барпо этиш ташаббусларини кўллаб-қувватлайди. Шу жиҳатнинг ўзидек Ўзбекистоннинг у билан ҳамкорлиги учун яхши асос бўлади. Зеро, мамлакатимиз Марказий Осиеда ядро қуриладан холи ҳудудга айлантириши бош ташаббускоридир.

Кенгаш барча турдаги террорчиликни кескин қоралайди. Осиеда хавфсизлик ва барқарорликка айирмачилик ва наркотрафик ҳам жиҳидий таҳдид солаётгани борасида кенгаш аъзоларининг фикри яқин. Шу билан бирга, қорунчию оғир транзитли жиноий фаолият сифатида қоралади.

Бу муаммоларнинг барчаси кўп томонлама, мувофиқлаштирилган ҳамжиҳат саъй-ҳаракатларни талаб қилади, албатта.

Кенгашнинг илк саммитида тўрт йилда бир марта олий даражада учрашув ўтказиб

боришга келишиб олинган эди. Бу галги саммитда кенгашнинг ўтган даврдаги фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Кенгашнинг ишчи механизми - Котибияти тузилди.

Осиеда хавфсизлик масаласи тобора долзарблашаётгани сир эмас. Саммит қатнашчилари минтақавий хавфсизликни таъминлашда, янги таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш масалаларини кўриб чиқдилар. Харбий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик мезонлар бўйича зарур чораларни белгилаб олиш юзасидан фикр алмашдилар. Хар бир давлат делегацияси раҳбари минтақавий хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларини бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, қарашларини баён этди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ўз нутқида можазо ва келишмовчиликларни бартаф этишда, турли миллатлар ва динлар вакилларининг тотулигини таъминлашда ўзаро ишонч масалаларига ҳар дам устувор аҳамият бериб келинганини алоҳида таъкидлади. Шу боис ҳозирги шароитда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишонч чоралари механизмининг татбиқи эҳтиш борасидаги тавсияларда муайян можазолари вазиётлар ҳисобга олиниши керак.

Таъкидламоқ жоизки, саммитни ёритишда қатнашган журналистлар Ўзбекистон

раҳбарининг нутқини катта қизиқиш билан тингладилар.

Кузатувчи ва таҳлилчилар кенгаш тўлақонли ташкилотга айланмаётган бўлса-да, долзарб минтақавий масалалар юзасидан эркин фикр алмашиш учун яхши имконият яратишини қайд этдилар. Қитъамизда дўст давлатлар кўп, лекин ўзаро муайян келишмовчилик ва зиддиятлар мавжуд бўлган мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Кенгаш ана шундай мамлакатлар вакилларининг норасмий мулоқоти учун яхши замин тайёрлайди. Шу боис музокара олиб боришнинг ўзига хос шакли сифатида бу форум келгусида ҳам сакланиб қолиши керак, деган фикр билдирилмоқда.

Саммит якунида Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Декларацияси қабул қилинди, ташқи ишлар вазирлари ва махсус вакиллари Котибият тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Тузилма сафи кенгайиб бораётгани Осие давлатларининг хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги интилушларни уйғунлашга ташаббусларини қайд этдилар. Саммит китъа мамлакатлари ўртасида ишонч чоралари механизмининг янада самарали ишга солиш, шу орқали дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўлиши табиий.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент - Олмаота - Тошкент

Бухоро вилояти галлакорлари давлатга салкам 127 минг тонна галла топшириб, шартнома-мажбуриятни бажардилар. Ҳосилдорлик ўртача 55,5 центнерни ташкил этди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 2,8 центнер кўп демакдир.

Эришилган муваффақиятга Вобкент, Бухоро, Пешку, Когон туманлари деҳқонлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшди. Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латипов раҳбарлик қилаётган Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳосилдорликни 80 центнерга етказдилар.

Иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши, ернинг ҳақиқий эгасига топширилиши, пировард натижадан манфаатдорлик галлачиликдаги ютуқларнинг асосий омил бўлмоқда. Ўтган йили етиштирилган ҳосилнинг 75 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса,

БУХОРОЛИКЛАР ЮТУҒИ

жорий йилда бу кўрсаткич 93 фоиздан ошди. - 24 гектар майдонда

деҳқончилик қилиб, 235 тоннадан зиёдроқ дон

йиғиштириб олдик, - дейди Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер



«Галла — 2006»

хўжалиги раҳбари Ёқуб Фаттоев. - Ҳосилдорлик 97,9 центнерни ташкил этди. Галланинг 144 тоннасини шартнома асосида давлатга сотдик, 91 тоннаси эса ўзимизда қолди.

Вилоятда бундай пешкадам деҳқонлар кўп. Хусусан, Қоровулбозор туманидаги «Умар Карим», Ромитан туманидаги «Ахрорбобо», Гиждувон туманидан «Шукур Тўра», Олот туманидаги «Аҳмад Чандир», Жондор туманидаги «Нозима Ниёз қизи» фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 75 центнердан 105 центнергача етди.

Вилоятда галла ўрими йиғими давом этмоқда.
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири

СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Амалдаги йилда 95 минг гектар сугорилмаган майдонларда галла ўстирган Сурхондарё вилояти деҳқонлари давлатга дон топшириш шартномасини ундадилар. Қабул масканларига 237 минг тоннадан кўпроқ сара дон етказиб берилди.

Бу мавсум воҳа далаларида галла ҳар қачонгидан мўл бўлди. Бунинг қатор омиллари бор. Энг аввало галла учун ажратилган ерларга бўғдойнинг тахрибада сигналган «Половчанка», «Палпич», «Княжна», «Марс-1» сингари тезпишар ва серҳосил навлари экилди. Парвариш даврида галлакорнинг шериқлари — «Қишлоқхўжалиқимиз» вилоят бирлашмаси, Машина-трактор парклари вилоят бошқармаси ва сув таъминотчилари ўз зиммаларидаги вазифини сидқидилган адо этишди. Деҳқонлар 58,8 минг гектар майдондаги ҳосилни ўриб олиб, давлат буортмасини адо этишди. Қолган 37 минг гектар майдондаги дон йиғиштириб олинса, воҳа деҳқонларининг уйган хирмони янада юк-

салади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳозиргача галласи ўрилган майдонлардан олинган ҳосил ҳар гектар ҳисобига вилоят бўйича ўртача 44 центнерни ташкил этмоқда.

Воҳа деҳқонларининг меҳнат ютуғига Музаббот тумани меҳнатқашлари 26 минг, Денов тумани галлакорлари 24 минг, Қумқўрғон тумани миришкорлари 19,5 минг, Ангор тумани деҳқонлари 15,8 минг, Сарюсий туманилик омилкорлар 10,2 минг тонналик ҳосиллари билан барака киритдилар.

Галла ҳосилдорлиги хусусида гап кетганда, бу борада Сарюсий тумани деҳқонларининг ютуғини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бир неча мавсумдан бери пахта, галла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш бўйича республикада пешкадамлик қилиб келаётган сарюсийлик деҳқонлар бу мавсумда ҳар гектар галласордан 64,9 центнердан хирмон уйишди.

Воҳа галлакорларининг меҳнат зафариди, айниқса, кўп сонли фермерлик жамоаларининг ҳиссаси салмоқлидир. Далалардан бугунгача

йиғиб олинган ҳосилнинг 67 фоизи фермерлик жамоалари улушига тўғри келмоқда. Ангор туманидаги тахрибали деҳқон Исхон Баҳромов етакчилигидаги «Саидносирхон» фермер хўжалиги аъзолари ҳар гектардан 85 центнердан дон олишди. Сарюсий туманидаги «Тоқчиёв фойз», «Дашнобод боғлари», «Турсунмурод фойз» фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 89-90 центнердан тўғри келган бўлса, Узун туманидаги «Шамсуддин-Х», Денов туманидаги «Хумоюн-А», Қизилқум туманидаги «Асилбек Темиров», «Гавхаршодбегим» фермер хўжаликларида ҳар гектар галласордан 65-70 центнергача бўғдой йиғиштириб олинди.

Сурхондарёда галла ўрими йиғими давом этапти. Бугун далаларда 120 та «Кейс», «Класс» русумли комбайнлар юқори унум билан ишлатилмоқда. Галлакорлар бўшган майдонларни пешма-пеш шудорлаб, такрорий экинга ҳар томонлама шайланмоқдалар.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Жўшқин ҳаёт нафаси



ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Тонг» маъсулияти чекланган жамияти маъмурияти касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларнинг самарали ишлашлари ва кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароитни яратишган. Шу боис бу ерда меҳнат унумдорлиги ортиб иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиб бормоқда.

Айни пайтда қўлигул чеварлар томонидан 10 хил турдаги кийим-кечак тайёрланиб, харидорларга етказиб берилаётир. Биргина ўтган ойлар давомида 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир. Мухими, асосан буюртма асосида тикилаётган бу маҳсулотлар харидорларга манзур

Халқаро алоқалар

БАНДЛИК

Масаласи муҳокама этилди

Бишкек шаҳрида Кавказ ҳамда Марказий Осие мамлакатларида ёшларни иш билан таъминлашни ривожлантириш масаласига бағишланган минтақалараро семинар бўлиб ўтди. Унга Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Ўзбекистондан вакиллар ташриф буюришди. Семинарни ўтказишдан асосий мақсад ёшларнинг миллий бандлик дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётта тadbик этишдир.

Семинар давомида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг бу борада олиб бораётган фаолияти ҳақида атрофлича танишдик, — дейди анжуман иштирокчиси, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Нурулла Насимов. — Шу билан бирга делегациямиз аъзолари ёшларни иш билан таъминлашни яхшилашга бағишланган миллий дастурни ишлаб чиқишда ҳам иштирок этдилар.

ТОЖИКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ 80 ЁШДА

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг делегацияси Тожикистон Республикасида бўлиб қайтди. Унга Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Аҳмедов бошчилигида келди. Улар Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган республика касаба уюшма ташкилотининг 80 йиллик юбилейида иштирок этишди.

Тожикистонлик ҳамкасбларимиз билан халқаро алоқалар тарихи узок йилларга бориб тақалади, — дейди Абдуқарим Аҳмедов. — Уларда кўп йиллик илгор иш тажрибалари мавжуд. Айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Биз бундан бун ҳам ўзаро ҳамкорлик асосида ишлашни келишиб олдик.

КУН ТАРТИБИДА

қуйи ташкилотлар салоҳиятини ошириш

Халқаро Таълим ташкилоти Осие — Тинч океани ҳудуди бўйича мувофиқлаштирувчи тақлифига биноан Олмаота шаҳрида халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон республикаларидан ҳам вакиллар иштирок этишди. Анжуманда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаш раисининг ўринбосари Ш. Алламурад бошчилигидаги делегация аъзолари ҳам қатнашди.

Унда таълим тармоғидаги касаба уюшма ташкилотларининг бозор иқтисодиёти шароитидаги роли, ўқитувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш ҳамда қуйи ташкилотларнинг етакчилиги салоҳиятини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; чевар тикувчилар Шаҳодат Султонова, Мушаррам Маматқуловлар



А.ХУДОЁРОВ
олган суратлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ

2005 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, лойиҳада тадбиркорлик субъектларининг солиқ қонунчилиги соҳасида маслаҳат ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмининг яратиш тақлиф қилинган эди.

Шу қунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ушбу қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар бўйича қўмита аъзоси Абдурашид Тўхтабоевнинг маърузаси (иккинчи ўқшудан сўнг лойиҳа модалама-модда овозга қўйилди. Ҳўш, бу яратилажак қонун қандай муносабатларни тартибга солади?

Ҳозирги кунда мамлакатимизда солиқ маслаҳатчи билан солиқ органлари адоватлик тузилмалари ва аудиторлик фирмалари шуғулланаяпти, аммо улар давлат органлари билан ҳуқуқий муносабатларда ёки суд жараёнларида солиқ тўловчининг манфаатларини ҳолисона ифода эта олмайдди. Солиқ органи ходимини идоравий манфаат қизиқтирса, адвокатлар бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш объекти ва базасининг ҳисоб-китоби бўйича тўла маълумотга эга эмаслар, аудитор-

лар эса процессуал ҳуқуқдан етарли хабардор эмас. Бозор ислохотлари шароитида бухгалтерия ва солиқка оид қонун ҳужжатларининг мураккаблашуви муносабати билан Республикада солиқ маслаҳатчиларининг янги профессионал тоифасини шакллантиришни замон тақозо этмоқда. Бунинг учун эса унинг фаолиятини тартибга солувчи қонун яратилиши керак.

Бу борада жаҳон тажрибасидан фойдаланилганми? Ҳа, Германия, Япония, Чехияда солиқ маслаҳатчи институти шакланган бўлиб, кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Россия, Украина ва Қозоғистонда алоҳида солиқ маслаҳатчи тизими эндигини шаклланмоқда.

Биз прокурор, адвокат, судья нима иш билан шуғулланишини яхши биламиз. Солиқ маслаҳатчиси деган янги касб эгаси вужудга келмоқда. Бу ким?

Солиқ маслаҳатчиси-солиқ соҳасидаги масалаларни ҳал

этишга ихтисослашган ҳуқуқшунослик, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаруви каби билим ва кўникмаларни ўзида муҳассам этган касб эгаси ҳисобланади.

Солиқ маслаҳатчисининг моддий жавобгарлиги ҳам қўзда тутилган. Жумладан, нотўри маслаҳат оқибатида тадбиркорга етказилган зарар ундан ундириб берилмади.

Бу қонун нима беради, деб сўрашнингиз мумкин. Гоҳ-гоҳида солиқ органи ходимининг қонуний ёхуд нонқонуний ҳаракатидан норози бўлиб жўрдан тадбиркорларга дуч келамиз. Айнан солиқ маслаҳатчиси солиққа тортиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишларда судда, солиқ органларида ва бошқа давлат органларида вакилликни амалга ошириб, солиқ тўловчининг манфаатларини самарали ҳимоя қила олади.

Тадбиркорлар давлат солиқ органларидан хавфсизрамасдан ўзларига яратилган имтиёз ва имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда ўз бизнесларини ривожлантира оладилар. Алал-оқибат, юртимиз бойлиги кўпайиб, элимиз фаровонлиги ошади.

Довуд МАДИЕВ,
ҳуқуқшунос-журналист

Бизни ҳурмат қиланларга минг буюр қулдук

ҲАМ СЕВИМЛИ НАШР, ҲАМ ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

Муборак газни қайта ишлаш заводи-нинг кўпмиллатли меҳнат жамоаси номидан «Ишонч» газетасининг ижодкорларини, барча муштарийлари ва мухлисларини 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан табриқлаймиз!

«Ишонч» газетаси жамоамизнинг сеvimли наширига айланган. Унинг ҳар бир сонини соғиниб кутамиз. Унда кўтарилган масалалар ҳаммамизни қизиқтиради. Айниқса касаба уюшмаларининг ҳаётига бағишланган мақолалар фаолиятимизни ташкиллаш-

тиришда бизга қўл келмоқда. «Хуқуқий маслаҳатхона» рўқни остида бериб борилаётган савол-жавоблар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ. Ҳаётимиздаги воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний равишда ёритиб, эл меҳрини қозонган газетамизнинг нуфузи янада ортади, деган умиддамиз.

«Ишонч» бизнинг доимий ҳамроҳимизга айланган. Яқинда сеvimли газетамизга корхонамизнинг 50 нафар ишчиси обуна бўлди.

Тахририят ижодкорларига сийҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик тилаймиз.

Ақром ҲАМРОЕВ,
Муборак газни қайта ишлаш заводи касаба уюшма қўмитасининг раиси

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси 2002 йил 1 июндан алоҳида ташкилот сифатида ўз фаолиятини бошлаган эди. Нуфузли ташкилотнинг бугунги кунда олиб бораётган ишлари, ёшлар ҳаётида тутган ўрни, мақсади ва вазифалари билан қизиқдик. Кўмита раиси Исмоилжон Хамроев билан суҳбатимиз ҳам айнан шу ҳусусда бўлди.

— Суҳбатимиз аввалида кўмитанинг алоҳида ташкилот сифатида ажралиб чиқиши ҳақида тўхталсак...

— Талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси алоҳида ташкилот сифатида ажралиб чиқмасдан аввал универси-

лишлар белгиланиб, амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий соҳада қуйидаги ишлар амалга оширилди: ногирон, ота-онасиз ва кам таъминланган талабаларга доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб берилди. Утган давр мобайни-

Талабалар касабаси уюшмаси

лиқда уст-бош, спорт кийимлари ва кишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериб берилади. Маънавий-маърифий соҳада ҳам яхши тадбирлар мунтазам амалга ошириб борилмоқда. Театр, концерт ва киноларга чипталар харид қилиниб, талабаларга бепул тарқатилади. Санъаткорлар ва ижодкорлар билан учрашувлар уюштирилади. Яқиндаги мунтазам амалга оширилган "Нихол-2006" фестивали олдидан Ўзбекистон телеканали "50x50" курсатуви

ган. "Киноот-фазо" соғломлаштириш масқанида тармоқ касабаси уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши хомийлигида "Касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" деб номланган ўқув-семинари ташкил этилди. Университетимизнинг 88 йиллигига бағишлаб "Сиз Президент асарларини биласизми?" деб номланган эсселар танловини ўтказдик. Танлов натижаларига кўра 15 номинация бўйича голиблар аниқланди ва фахрий ёрликлар топширилди.

МАҚСАДГА ЭРИШИШ УЧУН

фаол ташкилотчи, энг муҳими ёшлар қалбига яқин бўлиш керак

тет ишчи-ходимлар касабаси уюшмаси таркибиде фаолият олиб борган. У профессор-ўқитувчилар муаммолари билан бирга, талабаларнинг ҳам манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя этишга ҳаракат қилар эди. Бирок талабалар сонининг кўлиги, жамиятда тутган ўрнларини эътиборга олиб, улар учун алоҳида касабаси уюшмаси алоҳида ташкил этилди. Эндиликда талабани ҳар томонлама ҳимоялайдиган, уларни ўйланган муаммо, мақсадлари, манфаатлари ва ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ташкилот мавжуд. У ҳар бир талаба учун алоҳида эътибор қарата олиш имкониятига эга ва бу ишларни амалга ошириш учун тинмай изланмоқда.

— Ҳар қандай фаолият муайян мақсадлар асосида ташкил этилганига муваффақиятли амалга ошади. Саволим ҳам шу фикр билан боғлиқ. Бугунги кунда ТКУ кўмитасининг ўз олдига қўйган асосий мақсадлари нима? — Талабаларни ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш асосий мақсади-миз. Шу асосда муайян йўна-

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent shahar filiali» савдо маркази орқали РКМБ тизимида ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларида Давлат мулк кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан савдоларга чиқарилган қуйидаги Давлат объектлари савдосида иштирок этишга таклиф қилади.

Объект номи	Объект манзили	Савдо кунидagi баҳоси (минг сум)
«Азия-Чем» Ўзбекистон-Туркия-Россия қушма корхонасининг Низом жамғармасидаги 41 фойзалик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тум, Усмон Юсулов куч. 1а-уй.	421 262,700
«Таштўрғу» ишлаб чиқариш корхонасини бино ва иншоотлари	Тошкент ш. С.Раҳимов т.Қорасарой куч. 334-уй	380 740,800
«PEN-UZ» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Америка қушма корхонасининг Низом жамғармасидаги 43,5 фойзалик давлат улуши	С.Раҳимов тумани. Сағбон Куч. 30 берк куча 79а-уй	673 885,030
«Хо'jalik hisobidagi kommunal bo'limi» давлат унитар корхонаси	Тошкент шаҳ. А.Икромов тум. Шейхзода куч. 1а-уй	347,000
«Ўзбек қозғоғи» ОАЖ балансидаги ум.майд. 3478,55 кв.м.га тенг бўлган ётоқхона биноси	Тошкент ш. Ҳамза тумани. Слоним кучаси, 2-мавзе, 17-уй.	60 278,215
«757-sonli ENERГОMONTAJ POEZDI» давлат корхонасини 49 фойзалик давлат активи	Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин Водий кучаси 29-уй.	34 254,720
«GROTEKS» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Америка қушма корхонасининг Низом жамғармасидаги 30,21 фойзалик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кучаси, 30-уй.	900 756,505
Қурилиши тугалланмаган объектлар		
Қурилиши тугалланмаган автомобилларга ёқили қуйиш шохобчаси	Тошкент ш. Сергели тумани, Чортоқ кучаси	306 213,000

Ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 368-сонли қарорига асосан бошланғич нархга пасайиш механизми қўлланилган қуйидаги Давлат объектлари савдосида иштирок этишга таклиф қилади

Объект номи	Объект манзили	Савдо (19.06.2006й.) кунидagi баҳоси (минг сум)
«AVTOREMUSLUGI» МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 25 фойзалик давлат улуши***	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Бойкент кучаси, 32-уй.	116 234,400
«OLIMPIYA» МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 25% давлат улуши**	Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Мухбир кучаси, 2-уй (3 класс)35 452,949	35 452,949
«VATAN-BOBURSHON» МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 25 фойзалик давлат улуши**	Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Лутфий кучаси 55а-уй.	28 762,872
«LOCHIRA-MAK» МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 40% давлат улуши**	Тошкент шаҳ. Ҳамза тум. Фаргона йули куч. 33-уй.	60 937,828
«MADANYI-TRANS» МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 25,5291% давлат улуши	Тошкент шаҳ. Чилонзор т. Проектная куч. 1-уй (3 класс)	58 087,122
«Клуб биноси»	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Учувчилар шаҳарчаси кучаси	401 869,106
«Республика дон маҳсулотларини ҳимоя қилиш экспедицияси»	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кучаси, 36-уй	706 118,000
Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли Укув-методик маркази (биносиз)	Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Х.Дустиги куч. 1а-уй	667,000
М.Улугбек тумани КФБга қарашли «Қурилиш таъмирлаш корхонаси» (мол-мулклар билан)	М.Улугбек тум. Догистон куч. 56-уй.	2 011,000
У.Р.Ваз.Мах. Илмий техника тараққиёти мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг ШК шаклидаги «NITEK» замонавий ахборот технологиялари агентлиги	Юнусобод т. Х.Сулaimонова куч. 29-уй.	640,200
«Азимут-Румо» давлат кичик корхонаси	Чилонзор т. К.Ерматов куч. 2-уй	8 712,000
«MADANYI QURILISH» шўъба корхона	Чилонзор т. Проектная куч. 1А-уй	14 456,700
«Ўзбектрансурилиш» ишчи таъминоти бўлими (биносиз)	Тошкент ш. Миробод т.Охунбоев куч. 34-уй	423,000
«KOMMUNAL QURILISH» ДУК (биносиз)	Сирғали тум. «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 9-уй	1 299,000

Изоҳ:
 * 1-тоифа бўйича ҳар 5 савдо сессияси ўтгандан сўнг бошланғич нархга нисбатан 5 фойздан пасаяди.
 ** 2-тоифа бўйича ҳар 10 савдо сессияси ўтгандан сўнг бошланғич нархга нисбатан 5 фойздан пасаяди.
 *** 3-тоифа бўйича ҳар 15 савдо сессияси ўтгандан сўнг бошланғич нархга нисбатан 5 фойздан пасаяди.
Манзиллими: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45 хоналар.
Мурожаат учун телефонларимиз: 136-15-29, 136-28-75 (факс), 144-44-72, 144-44-73
Эслатма: РКМБ электрон биржа савдолари жарғанида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан кизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион қўрилишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи
 масъулияти чекланган жамияти



- Россия Федерациясининг барча турдаги "VAZ" автомобилларини нафд пулга ҳақида қўз ўқитиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишни маълум қилади.
- Автомобилларга буржирлар ҳам қабул қилинади.
- Автомобиллар божхона солиғи тўланган.
- Уларнинг сифати тўла қафолаштирилади.

Мурожаат учун телефонлар:
 (8-371) 117-46-16; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

МОСКВАЛИК МУТАХАССИСЛАР АСАКАДА

Асака туманида ўтказилган сабзавоткорларнинг навбатдаги семинарида Москва илмий-тектириш институти мутахассислари иштирок этди.

«Хорун Ар-Расул» фермер хўжалиги раҳбари Расулжон Иброҳимов ташаббуси билан ташкил этилган маъруз тадбирда Фарғона водийсининг 500 дан зиёд иссиқхона хўжалиқлари раҳбарлари ва мутахассислари катнашди.

Семинарда иссиқхоналар шароитида юқори ҳосил олиш, ҳозирги замон ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари талабларига жавоб бера оладиган навларни яратиш борасида тажриба алмашди.

Дилдора РАҲМОНОВА
 суҳбатлашди

«Туркистон-пресс»

рихининг яхлит, ҳаққоний тарихини яратиш гоёси муҳтарам Президентимиз томонидан тарихчи олимлар билан учрашувда ўртага қўйилди. Шу китобни ёзишга таррадув қўриш ва ёзиш асосида у кишининг турли муносабатлар билан анжуман, йиғин, йиғилиш, семинар, мулоқот, давра суҳбати, учрашув, уюбилей ва сессияларда қилган маърузалари, айтган нукталари, чиқишлари, билдирган фикрлари, йўллаган нома ва кутловлари билан қайта танишувимиз, 11 жиллик асарларини яна бир бор кўздан кечиришимиз асосида шундай ҳулосага келдикки, **бу гоё Юртбошимиз**

вой ҳайкалинини, бу боғда олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечирди. Унга республика ва пойтахт ташкилотларининг шу қурилишга мутасадди раҳбарлари ҳамроҳ эдилар, бир ҳам шунда даврада бор эдик.

Президент меймор, муҳандис ва қурувчилар билан суҳбат ўтказди. Алишер Навоийга ўрнатилган бу ҳайкалнинг аҳамияти, келгусида бу боғ сўлим зияратгоҳ бўлиб қолажаги, қурилиш ишлари то юлбаги, қурилиш сифатли қилиб тўла баҳарлилиги зарурлиги ҳақида сўзлади, тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар берди.

Ийқ, тўш эмас, ўнг эди!.. **Юртбошимизнинг бир оғизига «мумкин» деган сўзи расмий жиҳатдан виждон эркинлигига кенг йўл очиб берди. Кейин эса Олий Кенгаш томонидан янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг яратилишига омил бўлди.**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Давлат мулк кўмитаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларида марказий маклериат орқали 2006 йил 21 июндан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан 1-синф бўйича, яъни ҳар 5 савдо сессиясида бошланғич баҳоси 5 фойзга пасайиш тартиби қўлланиладиган объект.

1. Сурхондарё вилояти, Музработ туманида жойлашган, 28-сонли автомобилларга ёқили қуйиш шохобчаси (28-АЕКШ). **Бошланғич баҳоси — 816507 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси — 367428,15 АҚШ доллари.**

Изоҳ: Мазкур АЕКШ бўйича тўловлар АҚШ доллари тенг эквивалентда Ўз.Рес.Марказий банкнинг тўлов кунидagi курси бўйича сўмда амалга оширилади.

«Харакат хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда

Исон ҳаёти азиз. Уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз. Кўча тасодифларга тўла. Автомобил транспортга бўлган эҳтижimiz ортгани сайин йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишни широкит тақозо этмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 29 майдаги 240-сонли фармойишига биноан ҳар йили 1 июндан то 1 июлгача «Харакат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад — йўл ҳаракати иштирокчилари орасида солид бўлаётган транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, харакат хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Ойликда амалга ошириладиган аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ундан мавжуд 17 та оромгоҳларга таътилдаги болаларнинг бориш-қайтишларида хавфсизликларини таъминлаш, оромгоҳларда йўл қондаларини тарғиб этиш тадбирлар, 17 соатлик дарс машғулотлари ўтказиш, зарур кўргазмалар қурилган яратилиш, «Яшил чирок» мусобақаларини ташкил этиш каби юмушлар ўрин олган.

Биноварин вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги вакиллари, ота-оналар, профилартик ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги нозирлари ҳамкорлигида болаларга очик дарслар ўтиляпти. Кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, жамоатчилик орасида 204 мартаба, маҳаллаларда 82 марта, мактабга ҳафталик муассасаларида 35 марта ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди. Бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан хозиргача пидедалар иштирокида 278 та, жумладан, болалар ўртасида 5 та қондабузарлик ҳолатлари аниқланди. Меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллаларда 27 мартаба бундай ноҳуя ҳаракатлар муҳожама этилди. Шунинг сингари бешта рейд бригадаси фаолият кўрсатя-

САЛОБАТИ

томонидан миллий истиқлолга эришганимиздан кейинки ўртага қўйилиб, изчил тарзда илгари сурилиб келинаётган экан. Афсуски, тарихчиларимиз ва аёнлик, шу соҳага боғлиқ мутасадди ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, зиёлиларимиз, шу жумладан, биз — қалам ахли ҳам бу давлати ўз вақтида илғаб ола билмабмиз. Шундан кейин Юртбошимиз тарихчилар, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан алоҳида бир учрашув ўтказишни ва уни телевидение орқали халқимизга кўрсатишни лозим кўрибидилар, токи ўртага қўйилаётган бу вазифадан бутун жамоатчилик воқиф бўлсин, ўз муносабатини билдирсин, жамият ўртасида миллий давлатчилигимиз тарихини билишга қизиқиш вужудга келсин ва кучайсин, асосийси, бугунги истиқлол замонамиз қадрига чуқур етайлик, миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ишига ҳар бир фуқаро онгли равишда ўз хиссасини қўшишга чоғлансин. Бир неча мисол-далиллар

Иш режалари ва ҳайкалнинг тантанали очилиш кунини қатъий қилиб белгиланди, асосий тадбирлар 28 сентябр кунини ўтказиладиган, боғнинг тўқиз ерига тўққизта дошқон ўрнатилиб, элга наҳор оши тортиладиган бўлди. Маълумки, тўққиз рақами халқимиз удумига кўра буюк ҳурмат белгисидир. Суҳбат охирида шундай тақлиф тўшди:

— Наҳор оши тортишдан олдидан Куръон тиловати қилиб юборилса...

Бу тақлиф баъзиларга эриш тўлиди. Орага бир оз сўз қўнди. Ҳамма Президентнинг жавобини кутарди.

— Мумкин, — деди Юртбошимиз оғир-вазминлик ва ўйчанлик билан. — Кейин қатъий қўшиб қўйди: — Албатта, шундай қилиш ҳам керак. — Халқимизда арвоҳ туриси деган азалий удум бор, — деди Юртбошимиз. — Бу удуммизни қайта тиклашга, жорий қилишга вақт етди. Миллий турмуш тарзимиз шунини тақозо этади. Алишер Навоийнинг наҳор ошига Тошкентнинг энг кучли қориларидан тақлиф қилинган... Нимадан, қимдан чўчирилса, биродарлар! Энди мустақилмиз, Орқага қайтиш йўқ.

Рост гап шунки, давраларининг кўпчилиги Президентдан бундай жавобини

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Амалга ошириладиган сай-харакатларимиз ўлароқ вилоятда йўл-транспорт ҳодисалари утган йилнинг шу давридагига нисбатан 33,3 фойзга камайди. Демак мазкур тадбир ўз самарасини берапти.

Ғофур ЗИЁЕВ,
 Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси масъул ходими

Ўзбекистон Конституциясида энг олий қадрият сифатида инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати эътироф этилади. Ўзбекистон энгил, меҳнат саноати ва коммунал-машиини хизмат ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашида ҳам меҳнат аҳлига моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат кунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик оғида ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва инициативасини рағбатлантириш бош кенгаши ҳисобланади.

садларга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Таъкидлаш жоизки, тадбирларни уюшқоқлик билан, юқори савияда ўтишига вилоятлардан келган барча жамоалар ўз хиссаларини қўшиши. Айниқса, бу йилги спартакиадада сирдарёлик вакилларнинг тўлиқ жамоа бўлиб иштирок этганлиги, спортнинг турли йўналишларида муваффақиятли қатнашиб, аркон тортиш

Фаолиятга назар

харакатлари томошабинларни лол қолдирди. Бухороликлар ҳам бу гагги мусобақаларда салмоқли натижага эришдилар. Улар спартакиадада умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Биринчи ўрин Тошкент шаҳри вакилларига насиб этган бўлса, учинчи ўринни

момиз ҳақида дарсликларда ўқиганман. У киши аёл бўлгани билан, саркардалик қилиб, юртини ёвуз душманлардан ҳимоя қилган экан. Мен ҳам Тўмарис момоимизга муносиб аждодлар сафида бўлишга ҳаракат қиламан.

Мақсадимиз ҳам аслида шу эди. Авлодларимизга муносиб фарзандларни тарбиялаш, спортни оммавийлаштириш орқали меҳнат-кашларни соғломлаштириш, маҳоратни ошириш. Зеро, юрт келажагини соғлом ва бақувват инсонлар барпо этилади.

Шаҳодат Тўлаганова, Ўзбекистон энгил, меҳнат саноати ва коммунал-машиини хизмат ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

жамоаларнинг бугунги қиёфаси

Германия яшил майдонларида жаҳон грандларнинг футбол фестивали тобора қизиқарли тус олмақда. Ишқибозлар кўз ўнгиде «миллионлар ўйини» дея эътироф этилган спорт тури янгича мазмун касб этаётир. Энг ажабланирлиси, кўз ўнгимизда чакқоқ юлдузларни-да хира тортиришга қодир янги-янгилар номлар тилга тушмоқда.	3. Кот Д'Ивуар 2 0 0 2 2-4 0
Гарчанд футбол жамоавий ўйин саналса-да, мухлислар стадионга ў ки бу чарм тўп устасининг маҳоратидан лаззат олиш учун келади. Роналдиньо, Роналдо, Кака, Недвед, Ларсен, Тотти, Шевченко, Зидан, Анри ва яна ўнлаб юлдузлар ўз хатти-харакатлари билан гўё жон олиб, жон беришга тайёр рақибларни-да футбол — ўйин эканлигини ва ў миллионлар қалбига ёруғлик олиб киришга даъват этилганлигини эслатгандек бўлади.	4. Сербия ва Черногория 2 0 0 2 0-7 0
Балки шунинг учун ҳам юлдузлари чақнамаган учрашув охорини йўқотиб, қизиқини ҳам беихтиёр сўндиради. Чамаси, бугун Франция терма жамоаси намойиш этган ўйин шундай таассурот уйғотаётир. На Зидан, на Анри ва бошқа ўйинчилар ишқибозларни хурсанд қилганларича йўқ. Е улар ўзлари қатнашадиган Испания ва Англия чемпионатларида бутун куч-гайратларини сарфлаб бўлдиларми? Бу фикрни бошқа юлдузларга ҳам бемалол қўллаш мумкин. Шуларни кўриб туриб, ФИФА президенти жаҳон Блаттернинг баъзи мамлакат чемпионатларида қатнашувчи клублар сонини камайтириш тўғрисидаги фикрида жон бормикан, деб ўйлаб қоласан киши.	«D» гуруҳи
Хуллас, биз ҳозирча ўзимиз кутган жамоалардан кўра ҳаёл чирисидан ўтмаган термалардан нисбатан кўриб-қилиб ўйинлар кўришга мажбур бўлмоқдамиз: Эквадор, Тринидад ва Тобаго, Ангола...	1. Португалия 2 2 0 0 3-0 6
Яна ким билади, балки баршаратчилар тилга олган гранд жамоалар гуруҳ баҳоларидан ўтиб олгачина асл қиёфаларини кўрсатиши режалаштиришди. Ҳозирча икки турдан сўнг Германия мундиалида гуруҳларида куйидагича кўриниш ҳосил бўлди:	2. Мексика 2 1 1 0 3-1 4
	3. Ангола 2 0 1 1 0-1 1
	4. Эрон 2 0 0 2 1-5 0
	«E» гуруҳи
	1. Италия 2 1 1 0 3-1 4
	2. Чехия 2 1 0 1 3-2 3
	3. Гана 2 1 0 1 2-2 3
	4. АҚШ 2 0 1 1 1-4 1
	«F» гуруҳи
	1. Бразилия 2 2 0 0 3-0 6
	2. Австралия 2 1 0 1 3-3 3
	3. Хорватия 2 0 1 1 0-1 1
	4. Япония 2 0 1 1 1-3 1
	«G» гуруҳи
	1. Швейцария 2 1 1 0 2-0 4
	2. Жан.Корея 2 1 1 0 3-2 4
	3. Франция 2 0 2 0 1-1 2
	4. Того 2 0 0 2 1-4 0

Футбол

«H» гуруҳида иккинчи тур ўйинлари кеча нихоясига етди. Бугун «A» гуруҳида Эквадор-Германия ва Коста-Рика — Польша учрашувлари билан учинчи тур ўйинлари бошланади.

Нигохлар олмон диёрига қадалган айни кунларда мамлакатимизда биринчи давра аста-секинлик билан нихоясига етиб бормоқда. Кунча кеча 14-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда куйидаги натижалар қайд этилди: «Локомотив»-«Металлург» — 1:0, «Насф»-«Бухоро» — 1:0, «Тўпаланг»-«Нефчи» — 2:3, «Пахтакор»-«Машъал» — 3:0, «Қизилқум»-«Хоразм» — 5:3, «Сўғдиёна» — «Самарқанд-Д» — 0:1, «Андижон» — «Навбахор» — 2:1, «Шўртан» — «Трактор» — 3:2.

14-турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	14	13	1	0	31-2	40
2. «Насф»	14	11	2	2	28-15	34
3. «Нефчи»	14	10	3	3	32-14	31
4. «Машъал»	13	9	2	2	22-9	29
5. «Андижон»	14	6	3	5	24-18	21
6. «Бухоро»	14	6	1	7	19-15	19
7. «Навбахор»	14	5	4	5	14-13	19
8. «Локомотив»	14	5	4	5	14-23	19
9. «Қизилқум»	14	5	3	6	22-22	18
10. «Трактор»	14	5	3	6	15-22	18
11. «Тўпаланг»	13	5	2	6	16-17	17
12. «Металлург»	14	4	4	6	15-15	16
13. «Самарқанд-Д»	14	4	2	8	8-19	14
14. «Шўртан»	14	4	1	9	12-20	13
15. «Сўғдиёна»	14	1	2	11	5-20	5
16. «Хоразм»	14	0	2	12	9-41	2

Мамлакат чемпионати биринчи давраи 24 июнда якунида, жамоалар оралиқ танаффусига йўл олади.

БОЛАЖОНЛАР

Кўнгилли дам олмоқда

Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабга уюшмаси кенгаши маҳоратлиқларнинг фарзандларини соғломлаштириш, ёзи тавтил даврида кўнгилли дам олишларини ташкил қилиш борасида муносиб фаолият кўрсатмоқда. Оромгоҳларда болажонлар учун барча шароитлари муҳайё этишда ҳамий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши катта аҳамият касб этмоқда. Шаҳар тармоқ касабга кенгаши томонидан Паркент туманида жойлашган «Кизилсой» болажон оромгоҳида уюштирилган кўчма семинар ана шу масалага бағишланди. Унда кенгашнинг барча туман вакиллари иштирок этишди. Семинар қатнашчилари оромгоҳнинг мавсумга шайлиги билан яқиндан танишиб, кузатиш ва айрим камчиликларини муҳокама қилишди.

Дам олиш маскани бу йил 3 навбатда болажонлар қабул қилиши режалаштирилган. Йўлдамаларнинг асосий қисми кам таъминланган оилалар фарзандларига ажратилди. Мавсумга тайёрларлик даврида оромгоҳ бошлиғи Дифуза Атаева бошчилигида ҳудудда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 100 тулдан зиёд мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Оромгоҳда бассейн, сауна, футбол, волейбол, теннис ва бошқа турли аттракционлар ташкил этилган. Касабга уюшма фаоллари бу ерда ўғил-қизларнинг мароқли хордик қичариши учун яхши ҳозирлик қирилганини эътироф этишди. Тадбир сўнгиде улар оромгоҳ ходимлари билан давра суҳбати ўтказдилар.

Ш.ШАМШИЕВА, Сергеи туман савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабга уюшма вакили

Ёзги соғломлаштириш

ОРОМГОҲ ТАҲЛИЛ

Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Мирзачўл туман кенгашига қарашли «Мирзачўл» оромгоҳи 2005 йил якуни бўйича Республика танловига қўлиб бўлиб, болажонларнинг ёзги дам олишини ташкиллаштириш доимий комиссиясининг дипломини кўлга киритди. Режадаги 200 нафар ўринга 310 нафар бола дам олдирилди. Шунинг 70 фоизи кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларидир. 15 нафар чин етим бепул дам олдирилди ва уларга кийим-бош олиб берилди.

Мазкур оромгоҳ тоғли Фориш туманининг Илончи қишлоғида жойлашган. Сўлим табиат кўнидаги бу маскани «Гагарин маъданли суви» сихатгоҳи ўз тасаруфига олган. Ўтган йили мавсум арафасида оромгоҳ жорий таъмирланиб, янги жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди. 150 та чойнак, коса, пиёла ва ликопча, 120 та чойшаб жамланмаси олиб берилди. 50 ўринли оиналар ва болажонлар учун ётоқхона қурилиб, ишга туширилди.

Оромгоҳда жорий йил мавсумига ҳам пухта тайёрларлик кўрган ҳолда дастлабки босқич бошлаб юборилди. Яйраб дам олиш учун



ОРОМГОҲ ТАҲЛИЛ



барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. «Мазнавийат ва матрифат» хонаси, кутубхона болажонлар ихтиёрида. Стадион, спорт майдончаси, сузиш ҳавзаси ва стол тенниси саломатликка хизмат қилиди.

Энг эътиборли жиҳати шунда-

ки, оромгоҳга ҳомийлар маблағи ҳисобидан 2 та компьютер олиб берилди. Шунингдек, 2 та физиотерапевтик муолажа аппаратлари келтирилиб, махсус хоналар ташкил этилди.

Оромгоҳимизни туман ташкилот, қорхона ва фермер хўжалиқлари ўз оталиқларига олишган, — дейди кенгаш раиси Нарсиддин Бобоев. — Улар ҳомийлигида йўлнамалар 100 фоиз бепул берилмоқда. Озиқ-овқат харажатлари ҳам ҳомийлар маблағи ҳисобидан қопланапти.

Бўрибой НОРҚУЛОВ
Суратларда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар

ҚОҲИРАДА ФЕСТИВАЛ

Бухоро кўғирчоқ театри жорий йилнинг сентябр ойида Миср пойтахти Қоҳирада ўтказиладиган халқаро фестивалда иштирок этади.

— Фестивалда «Юлдузлар порлаганда» деб номланган спектаклни намойиш этишимиз, — деди театр директори Йўлдош Кенжаев.

Мазкур театр жамоаси VII аънавий республика фестивалида иккинчи ўринни эгаллаган эди.

Қоҳирадаги фестивал учун тайёрланаётган спектакл режиссёр Муножат Эргашева томонидан сахналаштирилган. Унда Лола Сувоидиков, Ален Вардашев, Муножат Эргашева, Бахтиёр Салимов, Нодира Раҳмановалар иштирок этишади.

«Туркистон-пресс»

Порядковый номер сообщения-05

Дата принятия решения об объявлении дивидендов — 17 июня 2006 года Общим собранием акционеров.

Срок выплаты дивидендов — в течение 60 дней после принятия решения о выплате дивидендов.

Вид акций: простые именные — 33 940 000 штук; привилегированные именные — 60 000 штук.

Размер дивиденда по простым и привилегированным акциям банка составляет 20,0% в виде предоставления дополнительных простых акций.

«За» - 27 775 107
«Против» - 5 231 019
«Воздержавшиеся» - 0

Порядковый номер сообщения-09

Вид Общего собрания — годовое

Дата проведения Общего собрания — 17 июня 2006 года

Место проведения Общего собрания — г.Ташкент, ул.Фархадская, 12 «а»

Кворум собрания — 33 006 126 штук голосующих акций, 97,249 % голосов.

Вопросы, поставленные на рассмотрение, итоги голосования и принятые решения по ним:

1. Утверждение состава Счетной комиссии банка и регламента проведения Общего собрания акционеров. Голосовали: «за» - 33 006 126, «против» - 0, «воздержавшиеся» - 0. Принятое решение: утвердить регламент общего собрания, а также счетную комиссию в составе председателя Зайтова Н.С. и членов Мовлюнова Н.Х. и Имамходжаевой Ж.Х.

2. Утверждение Отчета Председателя Правления банка по итогам деятельности за 2005 год. Голосовали: «за» - 33 006 126, «против» - 0, «воздержавшиеся» - 0. Принятое решение: Утвердить отчет Председателя Правления по итогам работы 2005 года и признать работу банка по ито-

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ АКЦИОНЕРНОГО ИННОВАЦИОННОГО КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА «ИПАК ЙУЛИ»

гам года удовлетворительной.

3. Утверждение отчета ревизионной комиссии по результатам деятельности банка за 2005 год. Голосовали: «за» - 33 006 126, «против» - 0, «воздержавшиеся» - 0. Принятое решение: Утвердить Отчет ревизионной комиссии банка по итогам деятельности за 2005 год.

4. Утверждение годового отчета, балансового отчета, отчета о прибылях и убытках за 2005 год и аудиторского заключения компании Deloitte & Touche. Голосовали: «за» - 33 006 126, «против» - 0, «воздержавшиеся» - 0. Принятое решение: Утвердить годовой отчет, балансовый отчет и отчет о прибылях и убытках банка за 2005 год и аудиторское заключение компании Deloitte & Touche.

5. Утверждение порядка распределения чистой прибыли банка за 2005 год и размера выплачиваемого дивиденда за 2005 год. Голосовали: «за» - 27 775 107, «против» - 5 231 019, «воздержавшиеся» - 0. Принятое решение: Направить на начисление дивидендов за 2005 год сумму в размере 680,0 млн. сум из чистой прибыли за 2005 год и выплатить дивиденды по простым и привилегированным акциям банка из расчета 20,0% в виде предоставления дополнительных простых акций. На формирование резервного фонда направить часть чистой прибыли в размере 425,24 млн. сум и на материальное вознаграждение направить в размере 340,56 млн. сум.

6. Утверждение увеличения уставного капитала банка. Голосовали: «за» - 25 266 627, «против» - 5 231 019, «воздержавшиеся» - 2 508 480. Принятое решение: Увеличить объявленный уставный капитал банка до 5,0 млрд. сум и выпустить дополнительные именные

простые акции на 1,0 млрд. сум.

7. Утверждение изменений в Устав банка. Голосовали: «за» - 27 775 107, «против» - 5 231 019, «воздержавшиеся» - 0. Принятое решение: Внести следующие изменения в Устав банка:

1. Пункт 32 Устава банка изложить в следующей редакции: «Уставный капитал банка составляет 3.400 миллионов сум, поделён на акции:

простые именные акции - в количестве 33.940.000 штук, номинальной стоимостью сто сум, всего на сумму 3.394 миллионов сум;

привилегированные именные акции - 60.000 штук, номинальной стоимостью сто сум, всего на сумму 6 миллионов сум».

2. Пункт 33 Устава банка изложить в следующей редакции: «Сумма объявленных акций, которые банк может выпустить с целью увеличения уставного капитала, составляет 1 600 миллионов сум, в том числе:

- простые именные акции - в количестве 16.000.000 штук номинальной стоимостью по сто сум, всего на номинальную сумму 1.600 миллионов сум».

8. Утверждение основных направлений развития банка на 2006 год. Голосовали: «за» - 33 006 126, «против» - 0, «воздержавшиеся» - 0. Принятое решение: Утвердить основные направления развития банка на 2006 год.

9. Утверждение внешнего аудитора на 2006 год и предельного размера оплаты аудиторских услуг. Голосовали: «за» - 33 006 126, «против» - 0, «воздержавшиеся» - 0. Принятое решение: Утвердить внешним аудитором на 2006 год аудиторскую компанию «Deloitte&Touche» и установить предельный размер опла-

ты аудиторских услуг до 36.000 долларов США.

10. Об избрании членов Совета банка. Принятое решение: Избран следующий состав: Мунинов Алишер Гаффарович - голосовали «За» - 30 445 300 (13,192%); Саидхамедов Фахритдин Анварович - голосовали «За» - 28 967 678 (12,552%); Гулямов Ильяр Расулович - голосовали «За» - 28 899 873 (12,523%); Абдуллаев Сайдулло Пархадбекович - голосовали «За» - 29 049 873 (12,588%); Мустафав Зафар Бурибаевич - голосовали «За» - 28 732 994 (12,45%); Имамов Шерали Бердалиевич - голосовали «За» - 27 450 530 (11,895%); Сапаев Бахром Мехмонович - голосовали «За» - 36 617 133 (15,867%).

11. Об избрании ревизионной комиссии банка. Голосовали: «за» - 33 006 126, «против» - 0, «воздержавшиеся» - 0. Принятое решение: утвердить новый состав ревизионной комиссии — председатель Махмудова Гульнора Магомедгаджиевна, члены - Камиллов Бахром Умарджанович, Абдурахманов Махкам Акбарович.

12. О продлении трудового договора с Председателем Правления банка. Голосовали: «за» - 33 006 126, «против» - 0, «воздержавшиеся» - 0. Принятое решение: Продлить трудовой договор с Председателем Правления банка — Рахимбековым Рустамбеком Рахмонбековичем — 223 830 простых акций (0,66%) - сроком до даты проведения следующего очередного годового общего собрания акционеров банка.

13. Информация о проделанной работе по кредитам, числящимся на счетах непредвиденных обстоятельств. Голосовали: «за» - 33 006 126, «против» - 0, «воздержавшиеся» - 0. Принятое

решение: Принять к сведению информацию о проделанной работе по кредитам, числящимся на счетах непредвиденных обстоятельств.

Порядковый номер сообщения - 10

Орган управления, в котором произошли изменения:

Совет банка — прекращены полномочия в отношении: Мунинов Алишер Гаффарович — доля участия в капитале банка — 0,0%; Саидхамедов Фахритдин Анварович — доля участия в капитале банка — 0,0%; Жозеф Антониус Оливьер ван Дейсхаут — доля участия в капитале банка — 0,0%; Эргашев Адам Акбарович — доля участия в капитале банка — 0,0%; Гулямов Ильяр Расулович — доля участия в капитале банка — 0,0%; Ким Анатолий Владимирович — доля участия в капитале банка — 0,0%; Сейлюс Жидрунас — доля участия в капитале банка — 0,0%; Избран следующий состав: Мунинов Алишер Гаффарович — голосовали «За» - 30 445 300 (13,192%); Саидхамедов Фахритдин Анварович — голосовали «За» - 28 967 678 (12,552%); Гулямов Ильяр Расулович — голосовали «За» - 28 899 873 (12,523%); Абдуллаев Сайдулло Пархадбекович — голосовали «За» - 29 049 873 (12,588%); Мустафав Зафар Бурибаевич — голосовали «За» - 28 732 994 (12,45%); Имамов Шерали Бердалиевич — голосовали «За» - 27 450 530 (11,895%); Сапаев Бахром Мехмонович — голосовали «За» - 36 617 133 (15,867%).

Дата принятия решения об изменении состава Совета банка — 17 июня 2006 года Общим собранием акционеров.

Правление Банка — продлен трудовой договор с Председателем Правления банка — Рахимбековым Рустамбеком Рахимбековичем — 223 830 простых акций (0,66%) — сроком до даты проведения следующего очередного годового общего собрания акционеров банка.

Рахимжон ОРИПОВ, «Ишонч» мухбири

Газетанинг навбатиди сони 23 июн кунчи қиқади

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва сақияланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

Тиражи: 14.908

Бизга кўнгиноқ қилинг:

Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касабга уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.30.

Навбатчи котиб - Ш.Абдуллаев
Навбатчи муҳаррир - Ф.Юсупов
Мусахҳих - Д. Комолов
Навбатчи - Ю. Очидиев